Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

ГАЗЕТАГА ИЛОВА, 1993 ЙИЛ №3

№ 46 (6557).

Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаоллигини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб—кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади. Ёшлар, уларнинг иқтидорлиги ва билим олишга чанқоқлигидан таълим ва маънавиятни тушуниб етиш бошланади.

Ислом КАРИМОВ.

АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ №2

ПУХТА ТАРАДДУД — МУВАФФАҚИЯТ ЗАМИНИ

Август кенгашлари янги ўқув йили бошланаётганидан дарак берувчи, унга тайёргарлик ишлари қандай бўлганлигини умум кўрикдан ўтказувчи педагогларнинг катта йиғинидир. Бу кенгашларни пухта тараддуд билан ижодкорлик руҳида ўтказиш, халқ таълими соҳасидаги янгиланишларни, таълим-тарбия ишидаги ижодкорлик тажрибаларини ҳар бир ўқитувчи, тарбиячи, халқ таълими ходимига етказишга эришиш янги ўқув йили муваффақиятининг дебочасидир.

Республикамизнинг мустақил деб эълон этилиши, «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши, Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматининг ёш авлодга оталарча ғамхўрлиги туфайли ҳозирги пайтда таълим тизимининг барча жабҳаларида катта ўзгаришлар юз бермоқда. Янги Қонун асосида муқобил ўқув режалари, дастурлар яратилди, дарсликларга маълум ўзгаришлар киритилмоқда ва янги қўлланмалар тайёрланмоқда. Фанлар бўйича таълимнинг давлат стандартларини яратиш ишлари олиб борилмоқда. Бундай ўзгаришларга ҳар бир ўқитувчи, тарбиячи тайёр бўлиши зарур. Чунки унинг олдида истиқболи буюк давлатнинг билимли, маданиятли, ишбилармон кадрларини ўқитиш ва тарбиялаш вазифаси турибди. Бу масъулиятли вазифа қандай уддаланади? Август кенгашларида, асосан ана шу ҳақда баҳс юритилади.

Газетамизнинг «Август кенгашлари» деб номланган илова сонларида ҳам йиғилишларни ўтказиш юзасидан республика Ўқув-методика маркази тавсиялари ёритилди ва ёритилаётир. Жойларда 20 августдан бошланадиган ялпи йиғилишлар шўъбалар йиғилишларига тавсия этилган мавзуларга ижодий ёндашиш, маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олишни ҳам унутмаслик керак. Кенгашларни ўтказишда янги ноанъанавий усуллардан фойдаланиш ҳам муҳимдир.

Илованинг бу галги махсус сонида асосан Август кенгашлари шўъба йиғилишларини ўтказиш бўйича методик тавсиялар ҳавола этилаяпти. Йиғиннинг мақсадига мувофиқ тавсиялардан унумли фойдаланиш, айниқса, ижодкор ўқитувчилар тажрибалари ва ташаббусларига кенгроқ ўрин бериш лозим.

Шунга эришиш керакки, кенгаш иши ўз мазмуни, ижодий йўналиши, таъсирчанлиги билан ҳар бир педагогик жамоанинг янги ўқув йилидаги муваффақиятларига дебоча бўлсин!

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ИНФОРМАТИКА ВА ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ АСОСЛАРИ (ИҲТА) ФАНИНИ ЎҚИТИШ ШЎЪБАСИ

Шўъба йиғилишини ўтказиш мўлжалланган хона жиҳозланиб, у ердаги мавжуд барча кўргазмали қуроллар, методик қўлланмалар, дастурлар, шунингдек бошқа техник қурилмалар тайёрланган бўлиши керак. Шўъба кенгашида қуйидаги масалалар кўрилади:

1. Ўқитишдаги илғор услублар, ИҲТА фанини ўқитиш.

2. Компьютерга эга бўлмаган мактабларда информатика ва ҳисоблаш техникаси асосларини ўргатиш.

3. Компьютер бор бўлган мактабларда амалий дастурларни қўллаб ўқитиш ва бошқа фанлар билан боғлиқликни таъминлаш.

4. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асосларини 8-синфдан бошлаб ўқитиш.

Шўъба йиғилишида кўриб чиқиладиган мавзулар:

«Информатика ва ҳисоблаш техникаси хоналарини жиҳозлаш.

Информатика курсини 8-синфдан бошлаб ўқитиш масалалари.

Микрокалькулятор ёрдамида ИҲТА фанидан амалий ва тўгарак машғулотларини ташкил қилиш.

ИҲТА билан бошқа фанлар ўртасидаги боғланишни таъминлаш усуллари.

Барча фан ўқитувчилари учун машғулотлар ташкил қилиш.

ЭҲМда ускунавий (инструментал) дастурлар билан ишлаш.

Курсни машинасиз ўқитиш шароитида ўқув кўргазмаларидан унумли фойдаланиш.

Информатика олимпиадасининг якунловчи босқичидаги масала ва тест-синов саволларини муҳокама қилиш.

Электрон-ҳисоблаш техникаси мавжуд бўлмаган мактабларда ўқувчилар учун экскурсиялар ташкил этиш.

Информатика ва ҳисоблаш техникаси хоналарини жиҳозлаш

Ҳисоблаш техникаси хоналари мазкур фан учун зарур бўлган кўргазмали қуроллар ва плакатлар билан жиҳозланган бўлиши шарт. Бундан ташқари хонада ўқитишнинг техника воситалари ҳам ўз ўрнини топса, машғулотлар яхши самара беради.

ЭҲМдан фойдаланиш ҳамда техника хавфсизлиги қоидалари ҳар бир компьютер ёнида бўлиши лозим.

(Республика ўқув-методика маркази томонидан чиқарилган Ж. И. Норбековнинг «Информатика хонасини жиҳозлаш» методик қўлланмасида бу масалалар батафсил баён этилган).

Информатика курсини 8-синфдан бошлаб ўқитиш муаммолари

Халқ таълими вазирлигининг 36-сон буйруғига асосан ва вазирлик ҳайъатининг «Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ умумий таълимни амалда жорий қилиш ҳақида»ги 1993 йил 12 апрель 9-сонли қарорида берилган ўқув режаси асосида 1993—94 ўқув йилидан бошлаб «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» курси 8 ва 9-синфларда ўтилади. Бу фан бўйича дарслар 1993 йилда Республика ўқув-методика маркази томонидан чиқарилган «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари курси бўйича таянч мактаблари учун дастур» асосида олиб борилади.

10—11-синфлар учун ИҲТАни ўқитиш 1992 йилда чиқарилган «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари курси бўйича умумий таълим мактаблари учун дастур» асосида давом эттирилади.

Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фанидан амалий машғулотларни ташкил қилиш

Компьютер ва микрокалькуляторлар (МК)дан унумли фойдаланаётган ўқитувчиларнинг амалий тажрибаларини ўрганганда, улар компьютер ва МК ёрдамида қандай фанлардан тест ва масалаларга дастурлар тузганликлари билан танишиш мақсадга мувофиқдир. Шу нуқтаи назардан компьютер ёки МКда масалаларни ечишга, тестлар яратишга оид дастур тузиш ҳамда муҳокама этилиши керак бўлган масалаларни кўриб чиқиш лозим.

Йиғилишда ўқитиш жараёнида қўлланиши зарур бўлган адабиётлар бўйича фикр алмашиш ҳам муҳимдир.

Тажрибали ўқитувчилар ва иқтидорли ўқувчилар тузган дастурларни кенг қўламда тарғиб этиш мақсадида туман халқ таълими бўлимлари қошида махсус «Дастурлар фонди»ни ташкил этиш масаласи муҳокамага қўйилса, бу компьютер ёки МКни амалда самарали қўлланиши учун катта қадам бўлади.

ИҲТА билан бошқа фанлар ўртасидаги боғланиш

ЭҲМнинг мактабга кириб келиши барча фанлар олдига уни техник восита (ТВ) сифатида қўлланилиши муаммосини қўяди. Бунда турли ташкилотларда ишлаб чиқилган дастурлардан ташқари, фан ўқитувчилари ҳамкорлигида турли хил ППВларини, тест синови дастурларини ишлаб чиқиш керак. Шунинг учун шўъба йиғилишида илгари ишлаб чиқилган ва қўлланилаётган ҳамда ишлаб чиқилиши режалаштирилаётган дастурлар методикаси тўғрисида фикрлашиб олинса, янги ўқув йилида уларнинг қўлланилиши самараси ошади.

Дастурлар нафақат ўқув жараёнида, балки мактаб ташкилий ҳаётида ҳам қўлланилиши компьютер техникасининг мактабда ўз ўрнини топганлигининг белгиси бўлади. Шу боисдан, ўқитувчилар мазкур мазмундаги дастурлар яратган бўлсалар, уларни ўрганишга ҳам эътибор бериш лозим.

Бошқа фанлар учун тузилган дастурларда танланган мавзу тўлиқ автоматлаштирилиб, ўқитувчи билан жонли мулоқотга ўрин қолмаса, у ҳолда уларга керакли ўзгартиришлар киритилиши керак.

Фан ўқитувчилари билан машғулотлар ташкил қилиш

Бундай машғулотларга диққатини асосан икки масалага:

а) ишлаб чиқилган ва мактаб ҳаётида қўлланилаётган (ёки қўлланилиши кутилаётган) ўқув дастурларини қўллаш услублари;

б) келажакда ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган ўқув дастурларини яратишда фан ўқитувчилари ўрни ва вазифаларига қаратиш лозим.

Ҳозирда мактабларга (ёки вилоят халқ таълимига) берилган УПВ, умуман олганда, анча самарасиз ишлатилмоқда. Бунга кўп объектив ва субъектив шароитлар таъсир қилади, албатта. Шўъба кенгашида ана шу дастурлар билан яқиндан танишилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

ЭҲМда хизматчи программалар билан ишлаш

Компьютер синфига эга бўлган баъзи мактабларнинг ИҲТА фани ўқитувчилари компьютер ва дискларни ишга тайёрлаш учун мўлжалланган ёрдамчи дастурлардан фойдаланишда қийналишади. Бунинг сабабларидан бири мазкур дастурларнинг вазифалари турлича бўлиб, улар бир неча хил режимда ишлашидадир. Шу сабабли шўъба кенгашида ЭҲМ учун мавжуд бўлган баъзи ёрдамчи дастурларнинг ишлаш принциплари билан яқиндан (амалда) танишиб чиқилса. мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, «Правец-8» синфи учун СРУ — 5,2 дастури, 1 ВМга хос компьютерлар учун махсус дастур ва ҳ. к.

«Правец-8» учун мос бўлган ПРОДОС тизими машинадан фойдаланиш самарадорлигини оширади(СРМ тизими каби ишлайди). Шунга кўра, мазкур тизим билан ўқитувчилар яқиндан таништирилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Курсни электрон-ҳисоблаш машиналарисиз ўқитиш-шароитида ўқув кўргазмали қуроллардан унумли фойдаланиш тажрибалари

Кўпгина мактабларимизда ЭҲМнинг йўқлиги ИҲТА курси ўқитишни фақат бир томонлама, яъни алгоритмлаш тилини ўрганиш билан чегараланиб қолишга олиб келмоқда. Аммо шундай шароитда ҳам ҳозир мавжуд бўлган турли кўргазмали қуроллар ёрдамида ахборотларни қайта ишлашга мўлжалалнган восита — ЭҲМ ишининг баъзи томонларини тушунтириш мумкин. Шу боисдан шўъба ишида мактабларда кўргазмали қуроллар, плакатлар, оргинал ускуналардан қай даражада фойдаланилаётганлиги масаласи кўриб чиқилиши лозим.

Ҳозир Республика ўқув-методика марказида ЭҲМлар учун махсус плакатлар ва улар учун керакли қўлланма тайёрланган. Баъзи мактабларда тамоман янги кўргазмалар ҳам мавжуд (масалан, қийматлар кетма-кетлигини сақлаш ва ўқишга мўлжалланган «стек» кўргазмаси, Бейсик дастури тузилмаси ва ҳ. к.) Уларни кенг татбиқ этиш лозим.

Республика олимпиадасида тавсия қилинган масала ва тест саволларини муҳокама қилиш

1993 йил март ойида Урганч шаҳрида республика ўқувчиларининг ИҲТА бўйича олимпиадаси ўтказилди. Олимпиада икки босқичда ўтказилди. Ўқувчилар биринчи босқичда тест синови саволларига жавоб бердилар, иккинчи босқичда эса амалий масалаларни ечдилар. Шўъба ишида ана шу масалалар муҳокама қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу ўринда шуни эслатамизки, тест синови материаллари ва масалалар Ўзбекистон Республикаси информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фани ўқитувчилари ва мутахассислари »Истиқбол» уюшмаси томонидан чоп этилган.

ЭҲМ бўлмаган мактабларда ўқувчилар учун ўқиш ва экскурсияларни ташкил қилиш

Компьютер билан жиҳозланган қўшни мактабда ҳар ойда камида икки соат амалий машғулот ўтказишни ташкил этиш, тест синовлари билан таништириш лозим.

Экскурсияни компьютер самарали қўлланилаётган корхоналардан бирида ўтказиш керак. Бунда асосий эътиборни корхона бажарадиган ишларнинг компьютер ёрдамида қанчалик самарали ҳал қилинаётганлигига қаратиш лозим. Компьютернинг халқ хўжалигида қўлланилишидан ташқари, унинг асосий имкониятларини ҳам намойиш қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчиларда компьютер «онгли экан», деган фикр ҳосил бўлмаслиги учун, уларга бирор дастур матнини кўрсатиш ва унинг мураккаблигини амалда намоён қилиш зарур.

Экскурсия вақтида ҳозир халқ хўжалигида кенг қўлланилаётган дастурлар мажмуалари (масалан, ойлик маошни ҳисоблаш. ашёни назорат қилиш ва ҳ) ни ҳам намойиш қилиш керак.

Экскурсияни компьютердан самарали фойдаланаётган илғор мактабларда ҳам ўтказиш мумкин. Унда ўқувчилар учун фанлардан мавжуд бўлган ЎПҒларини намойиш қилиш, айрим фанлар бўйича дарс ўтишни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қуйида биз тавсия этаётган иловада ўқиш жараёнида қўлланиши мумкин бўлган ўқув қўлланмалари рўйхати келтирилади.

Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фани ўқитувчилари ҳозирги кунда қуйидаги дарслик ва методик қўлланмаларидан фойдаланишлари мумкин:

I Дастур.

Умумий таълим мактаблари учун дастур, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Республика ўқув методика маркази томонидан 1992 ва 1993 йилда нашр қилинган.

II. Режа

«Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» бўйича мавзуларни режалаштириш вариантлари тўплами:

рус тилида — 1989 йил;
ўзбек тилида — 1991 йил,
ўзбек тилида ва рус тилида — 1993 йил.

III. Дарслик

«Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари», 8-синф дарслиги, 1993 йил.

А. Г. Кушниренко, «Основы информатики и вычислительной техники», ўрта таълим ўқув юртлари учун синов дарслиги, Москва, 1990 йил.

Ю. Г. Кушниренко «Информатика ва ҳисоблаш асослари», ўрта таълим ўқув юртлари учун синов дарслиги, (таржима Тошкент — 1991 йил).

А. Г. Каймин. «Основы информатики и вычислительной техники», ўрта таълим мактаблари учун синов дарслиги,

IV. Методик қўлланмалар:

1 Б. Болтаев., А. Далиев «Мактаб ўқув предметларида компьютернинг қўлланилиши», икки қисмдан иборат методик қўлланма.

2. А. Далиев., Б. Болтаев., Абдуллаев Ш. «Правец — 8» компьютерининг график имкониятлари ва тармоқ билан ишлаш буйруқлари,» методик кўрсатма.

3. Ж. И. Норбеков О. Х. Садатов «Информатика ва ҳисоблаш техникаси хонасини жиҳозлаш» методик кўрсатма.

4. С. А. Орипов, Ш. А. Юсупов, И. Р. Камолов «Информатика ва ҲТ асосларини ўрганиш»,

Ж. А. Норқулов «Бейсик программалаш тилидан масала ва машқлар тўплами».

6. А. Далиев, Б. Болтаев «Ахборот — информатика ўрганадиган асосий объект».

7. «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари». Методик қўлланмалар, 1-2-қисмлар, муаллифлар А. П. Ершов, В. М. Монахов;

1 қисм ўзбек тилида 1986 йилда нашр қилинган (таржима).

II қисм ўзбек тилида 1987 йилда нашр қилинган (таржима).

I қисм рус тилида 1985 йилда нашр қилинган.

8. «Изучение основ информатики и вычислительной техники в сердней школе». Иш тажрибаларидан, муаллифлар В. М. Монахов, А. А. Кузнецов, С. А. Бешенков. (Москва 1991).

9. «Информатика», ўқув қўлланма, муаллифлар А. Р. Есаян ва бошқалар, Москва, 1991 йил.

10. Лабораторные работы по курсу «Основ автоматики и вычислительной техники», методик қўлланмалар, муаллиф А. А. Абдуқодиров.

11. «Алгоритмик маданият — компьютер саводхонлик асоси», ўқитувчилар учун методик қўлланма, муаллифи А Раҳимқориев, «Ўқитувчи» нашриёти, 1991 йил.

12. «Иқтисодий масалаларни Бейсик алгоритмик тилда ечиш», методик қўлланма, муалллифлар О. М. Абдуллаев, Т. Х. Ҳакимов, Ш. Шоаҳмедов.

13. «Компьютер дарс жараёнида», методик қўлланма, муаллифи Т. Очилов, 1991 йил.

V. «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» курсидан мавжуд программа воситалари

1. ЭҲМ билан дастлабки танишиш.
2. Клавиатура тренажери.
3. Алгоритмик тил дарслари.
4. Бейсик тилини ўрганиш.
5. «Пунктир» график муҳаррири.
6. Ёрдамчи дастурлар мажмуаси.

«Ахборот тизимлари» ўқув дастурлар мажмуаси.

8. «ГРАФРЕД» график муҳаррири.

VI. Ўқув фанларида қўлланиладиган педагогик дастур воситалари

1. Республика Халқ таълими вазирлигнинг эксперт комиссияси томонидан умумтаълим ўрта мактаблари учун асосий ва факультатив дарсларда СП «Вариант» қўшма корхонаси, «Тафаккур» илмий текшириш маркази, «Ўзбекўқувавтоматика» бирлашмаси томонидан тайёрланган химия, физика, математика, чизмачилик, астрономия, электротренажер ва бошқа ўқув педагогик дастурлар қўллашга яроқли деб топилган. Ушбу дастурлар барча вилоят халқ таълими бошқармаларига мактабларига тарқатиш учун юборилган.

2. Эски ўзбек ёзуви — «Правец» компьютерлари учун.

3. «ИҲТА» курсидан амалий машғулотлар ўтказиш — «Ямаха» учун.

VII. Кўргазмали ўқув қуроллари

«Ямаха» ва «Правец — 8» компьютерлари учун плакатлар мажмуаси (комплекти).

ДЕФЕКТОЛОГ ЎҚИТУВЧИЛАР ШЎЪБАСИ

1993 йил август ойида барча турдаги махсус умумтаълим мактаблари ўқитувчилари, тарбиячилари, директорлари, унинг муовинлари учун ўтказиладиган август кенгашларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича қуйидаги кўрсатмаларга алоҳида эътибор бериш зарур.

Ўзбекистон Республикасида халқ таълими тизимининг барча тармоқларида таълим мазмунини ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган қонун, норматив ҳужжатлари ҳамда ривожланишида нуқсони бўлган ногирон болалар ҳаётини яхшилашга оид қарор ва қонунлари, жумладан, ҳукуматимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш» тўғрисидаги қарори Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳайъатида тасдиқланган «Истиқболли дефектология дастури» ҳақида маълумотлар берилади. Уларда Ўзбекистон Республикасида яшовчи турли хил нуқсони бўлган ногирон болаларни ижтимоий қўллаш, уларга иқтисодий, тиббий, педагогик, ташкилий шарт-шароитлар яратиш, моддий-техник таъминот усуллари ва қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда нуқсонларни тўғрилаш бўйича қулай шароитлар яратиш юзасидан бир қатор тадбирлар белгиланган. Кенгашнинг умумий йиғилиши ва давра суҳбатларида 1991-95 йилларга мўлжалланган «Истиқболли дефектология» дастури йўналишлари асосида тузилган, режалаштирилган тадбирларнинг жойларда бажарилиши, ютуқлари ва уни ҳал қилишдаги муаммолар ҳақида халқ таълими ходимлари, дефектолог ўқитувчилар ва тегишли жамоатчилик, оталиқ ташкилотларининг ҳисоботлари эшитилади, баҳс ва мунозаралар юритилади.

1993/94 ўқув йили учун тузилган ўқув режалари ва унга киритилган ўзгаришлар асосида қуйидагиларга эътибор берилади:

— махсус таълим дастури тизимига кўра ногирон болаларни ортиқча чарчатиб қўймаслик мақсадида қатор фанларни бириктириб (интеграциялаштириш), ихчамлаштириб ўқитиш;

— айрим типдаги (кар ва заиф эшитувчи болалар, кўзи ожизлар ва ҳоказо) мактабларда ўқувчилар сони камайтирилиши ҳисобига ўқув дастурини 12-13 йилдан 11 йилга мўлжаллаб режалаштириш;

— юқори синфларда умумтаълим дарсларини қисқартириш ҳисобига меҳнат таълимини чуқур ўргатиш ва турли миллий касб йўналишлари бўйича ҳунар эгаси қилиб тайёрлаш;

— мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда махсус фанларни чуқур ўргатиб бориш;

— таълим-тарбия жараёнида нуқсонли болаларга халқимизнинг миллий анъаналари, қадриятлари, урф-одатларини сингдириш.

Дефектология бўлимининг ташаббуси билан 1991 йилдан бошлаб кўзи ожиз болалар ўртасида фан олимпиадалари ўтказиб келинмоқда.

1993-94 ўқув йилидан бошлаб олимпиадалар тест синови асосида ўтказилади. Бундай тадбирларни амалга ошириш нуқсонли болаларнинг турли соҳалар бўйича олий ўқув юртларига имтиёз билан ўқишга киришларига йўл очмоқда. Махсус мактаб ўқитувчиларининг ўқитиш, тарбиялашдаги ижодий маҳоратларини синовдан ўтказиш, тарғибот, ташвиқот қилиш, педагоглар ишини тақдирлаш мақсадида келгуси ўқув йилида дефектолог ўқитувчиларнинг «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловини ўтказишга қарор қилинди. Август кенгашида жойларда бу борада олиб борилган ташкилий, ижодий ишларнинг натижалари, илғор иш тажрибалари муҳокама қилинади.

Махсус мактабларда 1 сентябрда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги муносабати билан байрам тадбирлари уюштирилади. Бунда Республика Конституцияси, байроғи, герби ва мадҳияси ҳақида суҳбатлар уюштирилади.

Дефектолог ўқитувчилар ва халқ таълими раҳбар ходимлари август кенгашларининг муваффақиятли, тадбиркорлик асосида фаолият кўрсатишлари учун қуйидаги тайёргарлик ишларини амалга оширишлари лозим:

1. Кенгаш ўтказиладиган жойни белгилаш. Ҳар бир бўлим йиғилишини тегишли типдаги мактаб ёки мактаб-интернатларда ўтказилишини таъминлаш (ёрдамчи мактаб, кўзи ожиз болалар мактаб-интернати, кар болалар мактаб-интернати ва ҳоказо).

2. Бўлимларнинг таркибий тузилишини аниқлаш. Бўлим йиғилишларида ўқитувчилар, тарбиячилар билан биргаликда жамоат ташкилотлари, дефектолог-олимлар, карлар, кўзи ожизлар жамияти вакиллари, ҳомий ташкилотлар вакиллари катнашиши мақсадга мувофиқдир.

3. Бўлим йиғилишларида ўтказиладиган жойларда бадиий, илмий-методик ҳамда ўқув-методик адабиётлар савдоси ва болалар ижодий ишлари кўргазмасини ташкил қилиш.

4. Бўлим йиғилишларини ўтказиш услубини белгилаш (маърузалар тинглаш, давра суҳбатлари, ноанъанавий дарсларни олиб бориш иш тажрибасидан.

5. Кенгашда муҳокама қилинадиган масалалар мавзуси бўлим ишини бошқарувчи ва таъминловчи методистлар томонидан белгиланади.

6. Бўлим йиғилишларида янги ўқув режалари, дастурлар тақдим этилади. Дастур ва дарслик муаллифлари билан учрашувлар ўтказиш мўлжалланади.

7. Кенгашда тайёрланган маърузалар вилоят халқ таълими бошқармаларидаги август кенгашлари ташкилий қўмиталарида олдиндан кўриб чиқилади.

Ялпи мажлис ва шўъба йиғилишларини ўтказиш тартибини аниқлаш ташкилий қўмитага юкланади. Кенгаш ишининг бориши ва якуний манбалари матбуот, радио ва телевидение орқали имконият борича ёритиб турилади.

Қуйида август кенгашлари ялпи ва шўъба мажлисларида, давра суҳбатлари ҳамда баҳслар йўли билан муҳокама қилинадиган тахминий мавзулар эълон қилинаётир.

УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ МАВЗУЛАРИ

1. Республикадаги махсус мактабларда нуқсонли болаларни ўқитиш ва тарбиялаш концепцияси.

2. «Республикада ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида» чиқарилган ҳукумат қарорининг жойларда бажарилиши.

3. 1990 йил 19 декабрь Халқ таълими вазирлиги ҳайъати қарори асосида «Истиқболли дефектология» дастурининг бажарилиш натижалари.

4. Махсус муассасаларда коррекцион (тузатиш) таълим-тарбиянинг амалга оширилиши.

5. Республикамизда махсус мактабгача тарбия муасасаларининг очилиши борасида олиб борилаётган ишлар, режалар.

6. Махсус мактаб, мактаб-интернатлар ва мактабгача тарбия муассасалари учун дефектолог-мутахассислар тайёрлаш натижалари.

7. Махсус мактабларда фанларни ўқитишда иқтисодий ва экологик билимларни боғлаб олиб бориш.

8. Йил дефектологи кўрик-танлови ўтказишнинг жойлардаги аҳволи, келгусидаги вазифалар.

9. Янги ўқув режалари ҳақида фикр-мулоҳазалар

10. Махсус мактабларда меҳнат таълимини такомиллаштириш.

11. Ноанъанавий дарсларга эътиборни кучайтириш.

I. Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар мактаб-интернатлари шўъба йиғилиши:

1. Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болаларни ўқитиш ва тарбиялашда теварак-атрофни идрок қилувчи органлар фаолиятини ривожлантириш.

2. Болаларнинг математик тасаввурини шакллантириш (иш тажрибасидан).

3. Бошланғич синф ўқувчиларини теварак-атроф билан таништиришда кўргазмали қуролларнинг аҳамияти.

4. Адабиёт дарсларини ўтишда миллий ва маданий меросимиз материалларидан фойдаланиш.

(Давоми 4-бетда.)

МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Бугунги кунда жамиятимиз учун ҳар томонлама ривожланган, фан-техника ютуқларини ҳаётга тадбиқ эта оладиган етук кадрлар тайёрлаш кун тартибида турибди. «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг умумий таълим бўлими иккинчи моддасида ҳам бу ҳақда: «Умумий таълим узлуксиз давлат таълими тизимида асосий бўғин бўлиб, таълим олувчилар илмий билим, меҳнат ва бошланғич касблар кўникмалари, ишбилармонлик асосларини эгаллашларини, шунингдек ўз ижодий қобилиятлари ва маънавий фазилатларини ривожлантиришни таъминлайди», деб қайд этилади.

Ҳар йили ўрта умумий таълим мактабларини битирганлар мамлакатимиз меҳнаткашларининг кўп миллионли сафига қўшилади. Жамиятимиз уларнинг ҳар бири энг кўп фойда келтирадиган жойда ишлай бошлашидан манфаатдордир. Шунинг учун мактаб ўз тарбияланувчиларига ўзининг ҳаётдан муносиб ўрнини топишда кўмаклашуви лозим. Мактаблардаги таълим-тарбия ишининг барча воситалари, жумладан, меҳнат дарслари ҳам ана шунга қаратилгандир.

Меҳнат таълими фанининг асосий мақсади — бу ўсмирларни ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг илмий асослари билан таништириш орқали уларнинг политехник билими доирасини кенгайтириш, уларга шахсий имконият, қизиқиш ва майларига кўра ҳамда мамлакатнинг кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, ўз касбий мавқеларини онгли белгилашда ёрдам беришдир.

Касбни мукаммал эгаллаган кишигина жамиятга фойда етказа олади. Шу сабабли ўқувчилар касбни тўғри танлашлари, меҳнат фаолиятининг турлари ҳақида кўпроқ маълумотларга эга бўлишлари, ана шу фаолият турларидан бирига ўзининг қизиқиши, майли ва қобилиятларини, касбни эгаллаш йўлини аниқ билиб олишлари керак.

Юқоридаги вазифаларни тезроқ ҳал қилиш, мактабларда меҳнат таълими ўқитилиш сифатини яхшилаш учун бу фанни 5 хил йўналишда ўқитишни ва мактабни битирган ўқувчига бирор касб бериш масаласини ҳал этишга тавсия қилинди.

Бу борадаги муаммоларни муҳокама қилиш ва амалий қарорларга келиш август кенгашининг асосий масаласи бўлиши керак. Шуни назарда тутиб август кенгаши муҳокамасига қуйидаги мавзуларни тавсия қиламиз:

МАЪРУЗАЛАР

1. Мустақил Ўзбекистон Республикаси мактабларида меҳнат таълимини ўқитиш муаммолари.

2. Бозор иқтисодиётига ўтиш, жамиятни қайта қуриш ва ишлаб чиқаришни жадаллаштириш шароитларида меҳнат таълими мазмунини янгилаш йўллари.

3. Халқ хўжалигида иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш шароитида умумтаълим мактабларида иқтисодий ва меҳнат таълимини ташкил қилишнинг истиқболи.

4. Мустақил Ўзбекистонда келажак авлодни тарбиялаб етказишда меҳнат таълими фанининг тутган ўрни.

5. Чет эл мактабларининг меҳнат таълими дарсларида халқ ҳунармандчилигининг ўқитилиши ҳақида.

6. Меҳнат таълимини чуқурлаштириб ўқитиладиган махсус мактаблар (лицей, коллеж, гимназия) тараққиёти.

7. Қишлоқ мактабларида хўжалик асосларини ўргатиш муаммолари.

ДАВРА СУҲБАТИ

1. Меҳнат таълими дарсларини янги йўналишда ўқитиш муаммолари (хўжалик, маиший, техник, халқ ҳунармандчилиги).

2. Меҳнат таълими жараёнида ўқувчиларга экологик тарбия бериш нима учун керак?

3. Меҳнат таълими дарсларида миллий халқ ҳунармандчилигини (кулолчилик, ўймакорлик, нақкошлик ва ҳ. к.) ўқитишда қандай қийинчиликлар бор?

4. Ўқувчиларнинг узлуксиз меҳнат таълимини амалга оширишда мактаб, ўқув ишлаб чиқариш комбинатлари, ҳунартехника билим юртлари, корхоналарнинг ҳамкорлиги.

5. Хизмат кўрсатиш меҳнати дарсларини такомиллаштириш муаммолари.

6. Меҳнат таълимидан тавсия этилган янги ўқув режалари муҳокамаси.

БАҲС ВА ОЧИҚ МУНОЗАРАЛАР

Мактабларда ишлаб чиқариш меҳнатини ташкил қилиш иш тажрибасидан.

Меҳнат таълимидан ноанъанавий дарсларни ўтказиш тажрибалари (семинар, конференция, экскурсия, назарий ва амалий машғулотлар, мунозара, қувноқ топқирлар баҳси, ишлаб чиқаришда ва халқ ҳунармандчилиги марказларида дарс ўтиш, жамоа билан биргаликда ишлаш, мусобақа, кўргазма дарслари, назорат қилиш каби дарс турларини қўллаш тажрибасидан).

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

1. Меҳнат таълими дарсларида ТТВ ва ЭҲМдан фойдаланишни ривожлантириш.

2. Илғор ўқитувчилар иш тажрибаларини оммалаштиришда **телекўрсатув,** радио эшиттиришлари ва матбуотдан фойдаланиш ҳамда кўргазмалар ташкил этиш.

3. Кенгаш машғулотлари жараёнида «Энг яхши устахона» танловининг талаблари ва шартлари.

4. Меҳнат таълими фанининг ўқитилиши бўйича энг яхши маърузалар, мақолаларни буклет тарзида нашр эттириш, мослама, асбобларнинг энг яхши ишланмаларини ўқув жараёнида фойдаланишга таклиф этиш.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

А. И. Воробьев, 5—6-синфлар, «Техник меҳнат», 1992 йил.

Т. М. Пошшахўжаева, А. Ш. Абдураҳмонова, 5—6-синфлар, «Хизмат кўрсатиш меҳнати», 1992 йил.

Ж. Ғамизов, «Ўқув устахонасида амалий машғулотлар», 1990 йил.

О. Йўлдошев, А. Усмонов, «Конструкцион материаллар технологияси» курсидан лаборатория ишлари.

Г. И. Перевертень, «Бошланғич синфларда техник ижодкорлик», 1991 йил.

К. Д. Давлятов, А. И. Воробьёв, «Трактор курсини ўқитиш методикаси», 1992 йил.

З. М. Яҳёева, «Ўқитувчилар учун дарс машғулотлари, кечалар, алифбе байрамлари учун намунавий ишланмалар», 1992 йил.

РҲММ меҳнат таълими бўлими, «Республика ўқитувчиларининг август кенгашларига меҳнат таълими фанидан методик тавсияномлар», 1993 йил.

«Маърифат» газетаси, 1993-94 ўқув йили учун режаси намуналари.

ДЕФЕКТОЛОГ ЎҚИТУВЧИЛАР ШЎЪБАСИ

(Боши 3-бетда)

5. Ижтимоий ҳаётга тайёрлаш ва касб ўргатиш.

6. Одоб-аҳлоқ бобида олиб бориладиган иш мазмуни ва услуби (иш тажрибасидан).

7. Болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш босқичлари.

8. Факультатив машғулотларни олиб бориш услублари.

9. Мактаб-интернатларда фанлар бўйича тест синовларини ўтказиш масалалари.

10. Олимпиада ишларининг якунлари ва келгуси ўқув йили ўтказиладиган тадбирларга тайёргарлик.

II. Кар ва заиф эшитувчи мактаб-интернатлар шўъба йиғилиши:

1. Заиф эшитувчи болаларга савод ўргатишдаги ўзига хос хусуснятлар (ўзбек тилида).

2. Заиф эшитувчи болаларнинг эшитиш қобилиятини ривожлантириш машғулотларига нутқ материалларини танлаш.

3. Кар болаларнинг қобилиятини ривожлантиришда эришилган ютулар ва учрайдиган муаммолар.

4. Кар болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш йўллари ва усуллари.

5. Кар болалар мактабларида ўқитиладиган амалий предмет дарслари, бу дарсларда эришилаётган ютуқлар (иш тажрибасидан).

6. Заиф эшитувчи болалар мактабларининг бошланғич синфларида тилнинг грамматик қурилишини шакллантириш.

7. Заиф эшитувчи болалар мактабларида қўл-меҳнати дарсларининг олиб борилиши, аҳамияти.

8. Кар болалар мактабининг 0-1-синфларида оғзаки нутқ дарсларини олиб бориш хусуиятлари.

9. Кар болалар мактабида давлат тилининг ўргатилиши (иш тажрибасидан).

10. Заиф эшитувчи болалар мактабида давлат тилининг ўргатилиши (иш тажрибасидан).

11. Янги ўқув режалари ҳақида фикр ва мулоҳазалар.

III. Руҳий ривожланиши сустлашган ва фалаж дардига чалинган болалар мактаб-интернатлари шўъбаси:

1. Руҳий ривожланиши сустлашган болаларнинг математик қобилиятини шакллантиришда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш усуллари.

2. Бошланғич синфларда математика дарсларида қўлланиладиган иш услубларига қўйиладиган талаблар (РРС болалар мактаблари).

3. РРС мактабларининг бошланғич синфларида дастурда берилган мавзуларнинг ўзгартирилиши.

4. Она тили, теварак-атроф билан таништириш дарсларида коррекцион-тузатиш ишларини олиб бориш қоидалари.

5. Ҳаракат мувозанати бузилган болаларни ўқитишда ҳимояловчи шароитни сақлаш.

6. Ҳаракат мувозанати бузилган болаларни касбга йўллаш ва меҳнат фаолиятини тайёрлаш (иш тажрибасидан).

7. Ҳаракат мувозанати бузилган болалар муассасаларида одобнома дарсларини ўқитишдаги натижалар (иш тажрибасидан).

IV. Ёрдамчи мактаблар шўъбаси:

1. Ақли заиф ўқувчиларни саводхонликка ўргатишни коррекцион йўналишда олиб бориш.

2. Ёрдамчи мактаб бошланғич синф ўқитувчиларининг синф жамоаси билан олиб бориладиган иши (иш тажрибасидан).

3. Ёрдамчи мактабда логопедик кўмак уюштириш.

4. Ақли заиф болаларни ижтимоий-маиший ҳаётга ва турмушга тайёрлаш борасида қилинаётган ишлар (иш тажрибасидан).

5. Ёрдамчи мактабда адабиёт дарсларига мавзу танлашда миллий адабий меросларимизга таянишнинг амалга оширилиши.

6. Ёрдамчи мактабларнинг рус синфларида ўзбек тилида сўзлашиш, иш қоғозларини ёзиш кўникмаларини ҳосил қилиш услублари.

7. Синфдан ташқари вақтларда ўтказиладиган тадбирларнинг мазмунида миллий одоб-аҳлоқ намуналарини шакллантириш.

8. Тарих дарсларига мавзу танлаш ва ақли заиф ўқувчиларга мослаштириш (иш тажрибасидан).

9. Математик тушунчаларни шакллантиришда янги услуб ва иш шаклларидан фойдаланиш (иш тажрибасидан).

10. Ёрдамчи мактаблар ўқув режасига муносабат.

11. Савод ўргатишда алифбегача бўлган даврдаги ишларнинг ўзига хослиги.

12. Табиатшунослик ва жуғрофия ўқитишдаги айрим ўзгаришлар.

13. Янги ўқув режаси асосида дастурлардан фойдаланиш ҳамда янги дастурларни татбиқ этиш масаласи.

14. Ёрдамчи мактаб-интернатларда синф раҳбари ва тарбиячининг иши.

15. Мактаб, оила ва жамоат тащкилотлари.

V. Умумий таълим мактаблари қошидаги логопедик ёрдам хоналари, нутқида нуқсони бўлган болалар мактаблари шўъбаси:

1. Ўзбек болаларининг талаффузида учрайдиган нуксонлар таҳлили.

2. Нутқида нуқсони бўлган болалар билан ишлаш режасини тузиш (иш тажрибасидан).

3. Логопед-ўқитувчилар малакасини оширишда шаҳар методбирлашмасининг роли.

4. Нутқи умумий ривожланмаган гуруҳларда олиб бориладиган педагогик коррекцион-тузатиш иш услублари.

5. Логопедик машғулотларда талаффузида нуқсони бўлган болаларнинг оғзаки нутқини ривожлантириш.

6. Логопедик машғулотларда кўргазмали, шартли материаллар ва техника воситаларидан фойдаланиш.

7. Ёзув ва ўқишда камчилиги бўлган (дизграфик) болалар билан ишлаш усуллари.

8. Болалар нутқидаги нуқсон ва камчиликларини аниқлаш омиллари ва иш услублари

9. Умумий таълим мактабларидаги методик ишни ташкил қилишда ўқитувчи ва логопед ҳамкорлиги.

VI. Мактабгача тарбия муассасалари шўъбаси:

1. Боғча ёшидаги заиф кўрувчи ва кўзи ожиз болалар билан ишлашда махсус услубларидан самарали фойдаланиш.

2. Боғча ёшидаги кўзи ожиз болаларнинг тафаккурини ривожлантиришда ўйин фаолиятининг аҳамияти.

3. Мактабгача ёшдаги кар ва заиф эшитувчи болаларни ўйин, ҳаракатни ривожлантириш жараёнида сўзлашишга ўргатиш.

4. Нутқида нуқсони бўлган болаларни коррекцион-тузатиш ишларини ташкил этишда миллий нутқ материалидан (тез айтишлар, топишмоқлар, саналмалар, шеърда), фойдаланиб, дидактик ўйинларни қўллаш.

5. Ақли заиф болаларнинг мантиқий тафаккурини, эслаш қобилиятини, диққатини ривожлантиришга қаратилган ўйинларнинг аҳамияти.

6. Фалаж дардига чалинган болаларда майда қўл моторикасини ривожлантиришда логопеднинг роли.

7. Ўзбек тилида яратилган махсус ўқитиш ва тарбиялаш дастурларининг таҳлили.

VII. Давра суҳбати.

1. Нуқсонли ва ногирон болаларга касб ўргатиш ва ижтимоий ҳаётга тайёрлаш муаммолари.

2. Дефектолог-ўқитувчи кўрик-танловига қўйиладиган янгича талаблар (аттестация ўтказиш).

3. Махсус мактабларда «Одобнома» фанини ўқитишда «Ҳаёт ва турмуш» дастурига биноан ишлаш.

4. Махсус мактаб ўқувчиларини миллий истиқлол мафкураси руҳида тарбиялаш.

5. Чет эл махсус таълим педагогикаси иш тажрибаси ҳақида фикр юритиш.

6. Махсус мактабларда фанларни ўқитиш бўйича давлат стандарти қандай бўлиши керак?

7. Республикадаги Халқ таълими вазирлиги томонидан эълон қилинган инструктив-норматив ҳужжатлар билан танишиш ва ўрганиш.

8. Республикадаги ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишга оид ҳукумат қарорларининг бажарилиши.

9. Махсус мактабларда ўқувчиларни ватанпарварлик ва Ватан туйғуси руҳида тарбиялаш.

VIII. Баҳс ва мунозара-мавзулари

I. Меҳнат таълими. Махсус мактабларда у қандай бўлиши лозим.

II. Махсус мактабларда ахлоқий, ғоявий-сиёсий, иқтисодий тарбия.

III. Янги типдаги мактаб-интернатлар структураси ва иш мазмуни.

IV. Махсус мактаб ўқитувчи ва тарбиячиларини аттестациядан ўтказиш тартиби.

V. Махсус мактаб-интернатларнинг янги Низоми ва Концепция лойиҳаси юзасидан фикр-мулоҳазалар.

IX Янги ўқув йилида махсус мактаблар учун нашр этилган ва чоп этиладиган ўқув-методик адабиётлар рўйхати.

I. Ёрдамчи мактаблар учун:

1. «Ўзбек тили» (1-8-синф)

2. «Рус тили» (2-8-синф)

3. Ижтимоий-маиший йўналиш (4-8-синф)

4. «Математика» (1-8-синф)

5. «Жуғрофия» (6-8-синф)

6. «Умумий ва Ўзбекистон халқлари тарихи» (7-8-синф)

7. «Табиатшунослик» (6-8-синф)

8. «Мусиқа ва ашула» (1-6-синф)

9. «Дурадгорчилик (6-8-синф) дастурлари нашрдан чиқиши кутилмоқда.

«Ўқитувчи» нашриётидан нашрдан чиққан ва чиқадиган ўқув адабиётлари:

1. С. Саидазизова «Нутқ ўстириш» (1-синф).

2. В. Раҳмонова «Ўзбек тили» (4-синф).

3. Т. Ашрапова «Ўқиш китоби» (4-синф).

4. Қаҳрамонова, М. Расулова «Алифбе» (1-синф).

2. Руҳий ривожланиши сустлашган болалар мактаблари учун:

1. Бошланғич синфлар учун «Ритмика» дастури Р. И. Исмакова.

2. Бошланғич синфларда «Математика» дастури Мамедов К.

3. Кўр ва заиф кўрувчи болалар мактаблари учун:

1. «Кўзи ожиз болалар мактабларида коррекцион-тарбиявий ишларни такомиллаштириш» методик тавсияномэ Р. Ҳамроев.

2. Математика. Кўзи ожизлар мактаблари 1-2-синф ўқитувчилари учун қўлланма.

3. Кўзи ожиз болалар мактаблари учун «Алифбе» 1-синф Брайл усулида.

4. Кар ва заиф эшитувчи болалар мактаблари учун:

1. «Кар болалар мактабларининг 0-3-синфлари учун она тили ва ўқишдан дастур» М. Шомуратова, О. Книшева.

2. «Эшитишда нуқсони бўлган болалар мактабида математика ўқитиш методикаси» Н. Дадахўжаева.

«Ўқитувчи» нашриётида 1993 йилда чиқадиган дарсликлар:

1. У. Файзиева «Алифбе» 1-синф.

2. В. Омонова «Ўзбек тили ва нутқ ўстириш» (2-синф)

3. Н. Дадахўжаева «Математика» (0-1-синф)

4. Х. Розиқов «Талаффуз» (2-синф)

5. Ф. Олимхўжаева «Талаффуз» (3-синф)

6. М. Султонова «Талаффуз» (0-синф).

7. Х. Самадова, М. Холмуҳамедова «Ўқиш китоби», (2-синф).

8. М. Султонова «Талаффуз» (1-синф).

Махсус мактабгача тарбия муассасалари учун:

1. Л. Мўминова «Боғча ёшидаги болаларни логопедик текшириш ва ўқитиш».

2. Л. Мўминова «Ўзбекча-русча расмли луғат»

3. М. Даминова «Ўйин машғулотлари»

4. «Нутқида фонетик-фонематик камчиликлари бўлган болаларни ўқитиш ва тарбиялаш дастури»

5. Н. Расулова. Заиф эшитувчи болаларни ўқитиш ва тарбиялаш дастури»

6. Х. Камбаева. «Ақли заиф болаларни ўқитиш ва тарбиялаш дастури».

7. Р. Шомаҳмудова, Л. Мўминова. «Мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болалар талаффуз нуқсонларини бартараф этиш».

Махсус мактаб ўқитувчи ва тарбиячилари РЎММ томонидан яратилган қуйидаги қўлланмалардан ҳам фойдаланишлари мумкин:

1. «Гулла, яшна, жон Ўзбекистон», «Одобнома» қўлланмаси

2. «Одоб сабоқлари»

3. «Одобнома» дастури

4. «Ҳаёт ва турмуш одоби»

5. «Одобнома» қўлланмаси

ТАСВИРИЙ САНЪАТ, МУСИҚА ВА ЧИЗМАЧИЛИК ЎҚИТУВЧИЛАРИ ШЎЪБАСИ

Кейинги йилларда халқ таълими ривожланишини таъминлашга қаратилган бир қанча ҳужжатлар қабул қилинди. Шунингдек, Республика Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» китоблари ва қатор чиқишлари ҳам бўлимимиз иш режаларига жиддий ўзгартишлар киритишни тақозо қилмоқда. Шулардан келиб чиқиб, август кенгашларида кўриб чиқиш учун қуйидаги мавзуларни тавсия қиламиз:

Чизмачилик бўйича

Анъанавий август кенгашларида чизмачилик муаллимлари «Мактабда чизмачилик ўқитиш концепциясининг лойиҳаси билан танишдилар.

«Ўқитувчи» нашриёти чизмачилик ўқитувчилар учун янги методик адабиётлар туҳфа қилди. Мактабда чизмачилик ўқитиш», «Мактабда чизмачилик ўқитишни такомиллаштириш» китоблари шулар жумласидандир. Шунингдек, Чизмачиликдан дарсда болаларнинг вақтини тежаш, график ишларни бажариш суръатини оширишга йўналтирилган «Машқ дафтари» 7—8-синф ўқувчиларига тортиқ қилинади. Булар ҳақида шўъба йиғилишида муфассал маълумот бериш зарур.

Тасвирий санъат бўйича

Бу йил тасвирий санъат ўқитувчилари «Тасвирий санъат ва бадиий меҳнат»дан тавсияномалар, I—VIII синфлар учун тасвирий санъатдан дастур лойиҳаси, тасвирий санъатдан қўшимча материаллар, 1-5-синфлар учун дарсларни режалаштириш ва 1-синфда тасвирий санъат дарслари мавзулари бўйича ўз йиғилишларида жиддий мунозара олиб борадилар. Унда илғор тажриба ва иш усулларини оммалаштиришга эътиборни қаратмоқ керак.

Мусиқа бўйича

Мусиқа таълими концепцияси ўқитувчиларнинг муҳокамасидан ўтади. 8-синфда мусиқа дарслиги, Ўзбекистон мактабларида мусиқа нафосат тарбиясини ташкил этиш бўйича методик қўлланмалар, мактабда мусиқа ўқитиш тавсияномалари шўъба йиғилишида атрофлича кўриб чиқиш муҳимдир.

СЕКЦИЯ УЧИТЕЛЕЙ РУССКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ В ШКОЛАХ С УЗБЕКСКИМ ЯЗЫКОМ ОБУЧЕНИЯ

В связи с постановлением Коллегии Министерства народного образования Республики Узбекистан «О претворении Закона об образовании» в практику общеобразовательных школ республики» с 1993-94 учебного года начинается переход к учебным планам базовой школы. В предстоящем учебном году по нему начнут работать V классы всех типов общеобразовательных школ.

Поэтому на предстоящей августовской конференции учителям предстоит обсудить серьёзные проблемы, связанные с практическими шагами по переходу к базовому образованию.

Считаем, что основные вопросы целесообразно обсудить на заседаниях секции. Как основную методическую проблему предлагаем рассмотреть вопрос «О внедрении приёмов коммуникативно-ориентированного обучения в классах с узбекским языком обучения,

Наряду с методическими темами предлагаем и тематику, отражающую наиболее общие вопросы сегодняшнего дня.

Тематика докладов

1) О ходе реализации закона Республики Узбекистан о народном образовании.

2. О конституции Республики Узбекистан.

3) О работах И. А. Каримова «Узбекистан. Свой путь обновления и прогресса», «Не построив новый дом, не разрушай старого», о выступлениях на активе Сурхандарьинской области и на 12 сессии Верховного Совета Республики Узбекистан.

4) О государственной символике Республики Узбекистан.

5) О концепциях «Об общем среднем образовании», «О дошкольном образовании», «О воспитательной работе» и др.

6. Коммуникативная направленность новой концепции обучения русскому языку в школах с узбекским языком обучения.

7) Внедрение приёмов коммуникативно-ориентированного обучения на уроках русского языка.

8) О функционально-семантическом подходе в обучении русскому языку.

9) Использование приёмов коммуникативного метода при формировании навыков устной монологической речи.

10) Система ситуативных заданий для обучения диалогической речи.

11) Работа над текстом как важнейшей коммуникативной единицей.

12) Система заданий при обучении высказываниям в определенном виде речи.

13) Использование краеведческого материала на уроках русского языка.

14. Комплексное использование видов искусств на уроках русского языка.

Отдельные темы рекомендуем обсудить в форме дискуссий за «круглым столом» и в форме практических занятий.

1. Тематика для обсуждения «за круглым столом»

1. Анализ действующих учебников с точки зрения реализации в них коммуникативного подхода к обучению.

2. Использование экономической лексики на уроках русского языка.

3. Комплексное использование видов искусств на уроках русского языка.

4. Обсуждение новой концепции обучения русскому языку в школах с узбекским языком обучения.

II. Практические занятия

1. Знакомство с содержанием обновленных программ по русскому языку и литературе.

2. Знакомство с новыми учебниками, учебными пособиями и методическими рекомендациями, изданными в 1993 году.

В связи с новыми подходами к обучению русскому языку в школах с узбекским языком обучения многие учебники по русскому языку коренным образом переработаны и заменены новыми.

К 1993-94 учебному году выходят:

Программа по русскому языку для 1—4 классов школ с узбекским языком обучения (1993 год).

Программа по русскому языку и литературе для 5-11 классов школ с узбекским языком обучения.

Русский язык в картинках для 1 класса (В. А. Андриянова и др.).

Русский язык для 2 класса (К. С. Коблов и др).

Русский язык для 3 класса (И. М. Дмитриева)

Русский язык для 5 класса (Т. К. Петрова и др).

Русский язык для 6 класса (М. Сергеева и др)

Книга для чтения 6 класса (Е. А. Киссен и др) новый.

Книга для чтения, 7 класс (В. И. Андриянова и др).

Русская литература для 10 класса (Л. Н. Улырих и др).

Методические пособия и рекомендации:

«Построение визуально-графических схем по русскому языку в старший классах узбекской школы» Д. Тарская, 1993 г; «Обучение детей 5-6 лет диалогической речи на руском языке в детских садах и школах республики» (Р. Кадырова)

«Тесты как форма контроля знаний и умений, навыков узбекских школьников».

«Использование принципов коммуникативной направленности в обучении русскому языку учащихся узбекских школ» (В. И. Андриянова).

(Разработки уроков 1-4 классов по русскому языку)

Примерное планирование по русскому языку для 1-11 классов школ с узбекским языком обучения на 1993-94 уч. год».

БА ПЕШВОЗИ МАШВАРАТИИ АВГУСТИИ МУАЛЛИМОНИ ЗАБОН ВА АДАБИЁТИ ТОҶИК

Ба мақоми давлати муяссар гаштани забони тоҷикӣ ду сол ба шуд. Дар ин муддати кӯтоҳ ба барномаҳҳон таълимии аксарияти фанҳо навовриҳои зиёде дохил гардиданд. Махсусан мазмуни барномаҳои таълимии забон ва адабиёти тоҷик, ки тавассути мачалаи «Адраб» ва ҳафтаномаи «Омӯзгор» ба табъ расида буд, назаррас аст. Дар барномаҳои мазкур мавзӯъҳое, ки ба шароиту урфу одати мардуми тоҷик хос нестанд, сарфи назар гардиданд. Аммо аксари адабиётҳои таълимӣ мувофиқи барномаҳои мазкур, ҳарчанд аз тарафи муаллифон тайёр карда шуда бошанд ҳам, аз нашр набаромадаанд. Сабаб вазъи сиёсӣ-ҳтимоӣ ва ноорамии Тоҷикистон ба пешрафти иқтисодиёт басо монеагии зиёд расонд. Ин нобасомониҳо ба пешрафти соҳаи маориф низ бетаъсир намонд. (Ояди ин масъалаҳо шумо тавассути рӯзномаю радио хабардор ҳастед).

Аз ин лиҳоз ба шумо омӯзгорон тавсия менамоем, ки мувофиқи барномаҳои нав аз адабиётҳои таълимии наву дар амал буда ва аз адабиётҳои иловаги эҳодкорона истифода баред.

Ҳоло чанд мавзӯи тахминӣ барои корҳои секционӣ аз забон ва адабиёти тоҷик ба шумо, омӯзгорон пешниҳод менамоем.

Мавзӯҳои тахминии секцияи омӯзгорони забон ва адабиёти тоҷик.

1. Тайёр намудани плани таҳвимӣ мувофиқи баъзе навовариҳои барномаи таълимӣ.

2. Мақсад аз омӯзиши нутқи мураттаб.

3. Усули истифодаи асбобҳои аёнӣ ва воситаҳои техникӣ дар дарсҳои забон ва адабиёт.

4. Омӯзиши забони тоҷикӣ аз сарчашмаҳои таърихӣ ва илмӣ-оммавӣ.

5. Аҳамияти омӯзиши алифбои ниёгон.

6. Таълими «Дӯстӣ бимонад ҷовидон» дар ҷараёни дарс.

7. Аҳамияти навиштани мавзӯъҳои озод дар мустаҳкамкунии донишҳои хонандагон.

8. Гузориши машғулиятҳо аз рӯи асарҳои берун аз синфӣ (ё асарҳои хондашуда).

9. Мавҳум дар бораи тазод ва роли бадеии неологизмҳо.

10. Мавҳум дар бораи ҷинсҳои асосии адабӣ: эпос, драма ва лирика.

11. Саъдӣ сарояндаи панду ҳикмат.

12. Ба пешвози ҳазорааи асари безаволи А. Фирдавсӣ «Шоҳнома».

13. Тасвири зебоиҳои табиат дар ғазалиёти Ҳофизи Шерозӣ.

14. Тарғиби ғояҳои адолатпарварӣ, инсондӯстӣ ва маърифатпарварӣ дар ашъори лирикии М. Бедил.

15. Аҳамияти эҷодиёти Лоҳутӣ дар тарбияи насли наврас.

16. Таркиби морфологӣ ва вазифаи синтаксисии пайвандакҳо.

17. Луғатомӯзӣ дар дарсҳои забон ва адабиёти тоҷик.

18. Мавқеи истифодаи ибораҳои номӣ ва феъли тафсилӣ.

19. Тафовути шакл-структурӣ, маъной ва услубии ибораҳои муродиф.

20. Силсилаҳои муродифоти синтаксисӣ ва аҳамияти онҳо дар интихоби қолабҳои матлуби ифода.

21. Мавқеи истифодаи аломатҳои китобат дар нутқи хаттӣ.

22. Роли нутқи айнан ва мазмунан нақлшуда дар услубҳои забони тоҷикӣ.

23. Феъл ва шаклҳои тасрифии он.

24. Истифодаи дуруст ва ба мавриди калимаҳои шеваги, соҳавӣ, калимаҳои аз истеъмол баромада ва нав, фразеология дар нутқ.

25. Истифодаи сифат дар алоқамандӣ бо исм ҳангоми шакли ҳикоягӣ.

26. Конституцияи Ўзбекистон.

27. Герби Ўзбекистон.

28. Парчами Ўзбекистон.

Мавзӯъҳоин нонбурда пешниҳодест. Шумо, омӯзгорон метавонед дар ҳамфикрии роҳбарони иттиҳодияҳои методӣ номгӯи он мавзӯъҳое, ки дар давоми соли хониш ҳалталаб бударанд, рӯи қоғаз оварда, аз ҳозир барои соли хониши нав онҳо маърӯзаҳои хеш ҳаллу фасл намоед.

МУҒАЛИМДЕРДІҢ АВГУСТ КЕҢЕСІНДЕГІ ҚАЗАҚ ТІЛІ МЕН ӘДЕБИЕТІ СЕКЦИЯСЫНДА ЖАСАЛАТЫН БАЯНДАМАЛАРДЫҢ ҮЛГІ ТАҚЫРЫБЫ

Республикамыздың егемендік алып, жеке мемлекет болғанына 2 жыл толады. Секцияларда жасалатын баяндамаларда қоғамдық құрылысымыздың өзгеруіне байланысты жаңа типтегі мектептер мен оқу орындары ұйымдасып жатқанына назар аударған мақұл.

Республикалық оқу-методикалық орталықтың қасында 1989 жылдан бері қазақ тілі мен әдебиетінен Ғылыми-методикалық кеңес түзіліп, оған тәжірибелі мектеп оқытушылары мен методистер, көрнекті ғалымдар қатысуда. Ғылыми кеңестің шешімімен соңғы 2-3 жылда мектеп мұғалімдері мен студенттерге арналған 12 методикалық құрал шықты. Оның ішінде ғылым докторы, профессор Оразов М, доценттер: Исабаев А, Жидебаев Қ, Қалдыбаев Т. еңбектері өте тиімді.

Соңғы күндердің талабына лайық әрбір жеке мемлекет жастарды оқыту, тәрбиелеу саясатын жеке жүргізіп отыр, соның себебінен Қазақстан Республикасы білім министрлігінің оқу жоспары бойынша 1992-93 оқу жылында жетіншектерді 6 жастан оқытатын болды. Соған лайық бағдарламалар мен оқулықтар шығарып отыр. Ал Өзбекстан Республикасы жастары 7 жастан окиды. Осыған орай Қазақстан оқулықтары мен бағдарламалары Өзбекстан қазақ мектептеріне дұрыс келмейтін болып отыр. Секция жұмыстарында осы бағдарламалар мен оқулықтарды қалай пайдаланамыз, соған баса назар аударған мақұл.

Республикамыздағы қазақ мектептерінің оқушылары Өзбекстан тарихын, Өзбекстанның физикалық, экономикалық географиясын оқулары керек. Бұл көрсетілгендерді қай сағаттың есебінен қалай пайдаланамыз, осыларға тоқталып, терең талқылаған дұрыс.

Қазір заманымыз жаңарып, өткенімізді тауып отырған мезгілде халық педагогикасына ден қоюымыз керек, дүние жүзі мемлекеттері озат педагогикасынан пайдаланған жөн. Бұл мәселені әрбір пәнде қалай дұрыс пайдалансақ болады?

ЭВМ-нен әрбір оқушының (барлық пәндерден) хабары болмаса болмайды, бұл заман талабы.

Мектепте оқытылатын пәндер бір-бірінен алшақтамай пәнаралық байланыста болуы керек. Секция жұмысы кезінде осы мәселелерге көңіл бөлу керек-ақ. Бұл тақырыптарды құрғақ баяндамаға айналдырмай, тәжрибе алмасу аясында өткізген мақұл. Сондықтан бұған: Тәжірибелі мұғалімдер мен аға оқытушы, методист мұғалімдерді тарту керек. Бұларды дөңгелек стол, әңгіме, практикалық жұмыс, хабарлар жүргізу арқылы іске асырған мақұл.

Қазақ тілі мен әдебиеті пәні мұғалімдері секциялық жұмыстарына төмендегі тақырыптарды ұсынамыз:

1. Жоғарғы кластарда жазба жұмыстарын жүргізу жолдары.
2. Грамматикалық талдау жүргізу жолдары.
3. Қазақ тілі мен әдебиеті сабағында халық педагогикасынан пайдалану.
4. Қазақ тілі мен әдебиеті сабағында тест өткізу жолдары мен әдістері.
5. Оқушылардың жеке қабілеттерін дамытуда семинар сабақтың маңызы.
6. Қазақ тілін оқытудың формалары.
7. Қазақ әдебиеті сабағында тіл дамыту жұмыстары.
8. Қазақ әдебиеті сабағында текстпен жұмыс істеу жолдары.
9. Әдебиет сабағында диафильмдерді пайдалану.
10. Қазақ тілі мен әдебиеті сабақтарында техникалық құралдардан пайдалану.
11. Көркем әдебиет бойынша салынған эпизодтық және портреттік суреттердің идеялық сюжетін баяндауға үйрету.
12. Адамгершілік, еңбек және еңбек адамдары жайлы шағын әңгіме, мақала, еркін тақырыпта шығарма жазуға үйрету.

Бұл тақырыптарға түбегейлі дайындалу үшін «Қазақстан мұғалімі» газеті мен «Қазақ тілі мен әдебиеті» журналынан пайдаланған жөн.

ЧЕТ ТИЛЛАРИ ШЎЪБАСИ

Чет тиллари шўъба йиғилишида республикамиз мактабларида хорижий тилларнинг ўқитилиши ва ўргатилишига оид муҳим масалалар бўйича даврə суҳбати ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, чет тилларни ўқитишга оид жиддий ўзгаришлар асосан 1994—95 ўқув йилидан бошлаб амалга оширилади. Шунинг учун ҳам ўқитувчиларнинг бу йилги Август кенгашларида болалар боғчалари, бошланғич синфлар ҳамда лицей ва гимназияларда чет тилларини ўқитиш муаммолари ҳақида мунозара юритиш муҳимдир. Ушбу муассасаларда чет тилларини ўқитиш Халқ таълими вазирлиги ҳайъат йиғилишининг 1993 йил 14 майдаги «Чет тилидан узлуксиз таълим концепцияси»ни тасдиқлаш ҳақидаги қарорида ўз ифодасини топган.

Ўтган ўқув йилида фойдаланилган ўқув дастури бу йил ҳам амалда деб ҳисобланади. Янги ўқув дастури эса Концепцияга асосан қайта ишланмоқда.

Немис тили ўқитувчилари дарсликларда берилган «Германия Демократик Республикаси» матни ўрнига «Германия» матнини танлашлари ва ўқувчиларга Бирлашган Германия ҳақида маълумот беришлари шарт.

1993—94 ўқув йилидан бошлаб чет тилларидан илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш, хорижий мамлакатларда халқ таълими тизими ва чет тилларини ўқитиш методикасига оид ҳамда «Инглиз тили дарсларида тест усулларидан фойдаланиш», «Америкада чет тилларини ўқитиш методикаси» мавзуларида катор мақолалар «Маърифат», «Учитель Узбекистана» газеталарида илова тарзида берилиши кўзда тутилмоқда.

I—XI синф ўқувчиларига мўлжалланган дарсликлар эса Концепция талабларидан келиб чиқиб қайтадан ёзилиши мўлжалланмоқда. Чунки чоп этилган дарсликларнинг аксарият кўпчилиги бугунги кун талабларига асло жавоб бермайди. Фойдаланиб келинган барча дарсликлардаги материаллар ўқувчилар ўқиш ва луғат ёрдамида матнни таржима қила олиш кўникмаларини вужудга келтиришга мўлжаллаб ёзилган.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши муносабати билан чет тилини ўқитишга бўлган талаб ҳам бутунлай ўзгарди. Ҳозирги кун талаби ўқувчиларни оғзаки нутққа ўргатиш, уларда ўзлари танлайдиган касб юзасидан мулоқот қила олиш кўникмаларини ривожлантиришдан иборат бўлмоғи зарур.

Давра суҳбати давомида тест синовлари топшириқларини ишлаб чиқиш ва тест синовлари самарадорлигига эришиш масалаларига жиддий эътибор бериш лозим.

ДАВРА СУҲБАТИ МАВЗУЛАРИ

1. «Чет тилидан узлуксиз таълим концепцияси»ни ўрганиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш.
2. Машғулотларнинг ўзаро боғлиқлигига эришиш орқали ўқувчилар фаоллигини таъминлаш йўллари.
3. Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг аҳамияти.
4. Дарс тайёрлаш жараёнида мустақил фикрлашга, мустақил ишлашга ўргатиш.
5. Техника воситалари, тарқатма ва тест материалларидан фойдаланишнинг самарадорлиги.
6. Ўқувчиларнинг фаоллиги ва қизиқишини оширишнинг асослари.
7. 1990 йилдан кейин чоп этилган дарсликлар ҳақида фикр ва мулоҳазалар. Янги яратиладиган дарсликлар юзасидан фикр-мулоҳазалар.

ШАРҚ ТИЛЛАРИ ШЎЪБАСИ

1993 ўқув йили республикамизда фаолият кўрсатаётган шарқ тилларини ўргатувчи махсус мактаблар олдига ҳам катта вазифалар қўймоқда. Маълумки, Республикамизнинг чет давлатлар билан бўлаётган ўзаро алоқалари кун сайин юксалиб, шарқ тилларига эҳтиёж ортиб бораётир.

Масаланинг ана шу жиҳатларини инобатга олиб, РҲММ қошида янги дастур ва улар асосида дарсликлар яратувчи муаллифлар гуруҳи тузилди. Шуниси қувончлики, давлат стандарти талаблари асосида яратиладиган мазкур дастурлар янги ўқув йилида ўқитувчиларга етказилиши кўзда тутилмоқда. Янги ўқув йилидан тил ўргатишга янгича ёндошиш, бошланғич синфларда ўқувчининг сўз бойлигини ошириш, оғзаки нутқ малакасини шакллантириш ва бойитиш ҳам асосий мақсад бўлмоғи лозим.

Хулоса шуки, бутун ўқув йили давомида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар мазмуни бир мақсадга қаратилмоғи, бу борада август кенгашлари республика ўқитувчиларининг ягона мақсад йўлида ягона дастур асосида фаолият кўрсатишлари учун ёрдам бермоғи лозим. Шарқ тиллари ва умуман, чет тиллари боғча ёшидан ўргатилиши мақсадга мувофиқдир. Бу даврда болага чет тилини ўрганишда зўрма-зўракиликка, мажбурийликка мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Демак, ҳар бир боқичда боланинг ёши, психологияси, қизиқиши, имконияти ҳисобга олиниши лозим.

Бошланғич синфларда ўқувчиларга грамматик қоидаларни ёдлатиш,тилнинг назарий томонларига унинг диққатини ошириш шу тилга қизиқишни пасайишга олиб келади. 1993—94 ўқув йилидан янги ўқув режаси асосида, дарс соатлари кўпайган ҳолатда иш бошлар эканмиз, 3 турда ишланган ўқув режа орасидан маъқул топилгани мактаб педагогика кенгаши томонидан танланади.

Ҳар бир дарс таълимий (характери) хусусияти билан бирга тарбиявий аҳамиятга ҳам эга эканлигини унутмаслигимиз лозим. Ватанни севиш, миллий ғурур ҳисларини чет тили дарсларида ўқувчи онгига сингдириш даврнинг энг муҳим талабидир.

Ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашларида мунозаралар, доклад ва фикр--мулоҳазалар алмашиш учун қуйидаги мавзулар таклиф этилади.

1. Боғча ёшидаги болага (5—6 ёшли) Шарқ тилини ўргатишнинг амалий ва назарий жиҳатлари.
2. Тестлар орқали ўқувчи талаффузини текшириш усуллари.
3. Дарс жараёнида тестлардан фойдаланишнинг афзаллиги.
4. Боғча тарбияланувчисига шарқ тилларини ўргатиш усули;

ЧЕТ ЭЛ ПЕДАГОГИКАСИНИ ТАРҒИБОТ ҚИЛИШ ВА ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР БЎЛИМИ

Ўтган йилдан бошлаб РҲММ қошида «Чет эл педагогикасини тарғибот қилиш ва халқаро алоқалар» бўлими ташкил этилди. Янги бўлим зиммасига ривожланган хорижий мамлакатларнинг юқори малакали, ўқувметодик қўлланмаларини, ўқув дастурларини, дарсликларини, илғор тажрибаларни, колледж, гимназия, лицейлар фаолиятини, ўқиш жараёнида чет тилларни ўргатишнинг илғор тажрибаларини, ўқитувчиларнинг малакаларини ошириш ва қайта тайёрлаш услубларини тест синовлари асосида ҳамда хорижий давлатлар олий ўқув юртларига кириш йўл-йўриқларини ўрганиш каби муҳим вазифалар юкланди. Шунингдек, улардаги илғор иш тажрибаларни оммалаштириш, доимий мулоқотда бўлиш ҳамда чет эл мутахассислари иштирокида семинарлар уюштириш тадбирлари белгиланди.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, ўтган қисқа вақтда республикамизда мавжуд барча чет эл элчихоналари билан яқиндан алоқалар ўрнатилди, улар ёрдамида мингдан ортиқ инглиз, немис, француз, форс тилларида адабиётлар, дарсликлар, методик қўлланмалар, кўргазмали қуроллар, қўшиқ ва матнлар ёзилган магнит ленталари ҳамда диафильмлар олинди.

Булардан ташқари республика миқёсида бир неча бор чет тили ўқитувчилари учун «Хорижда таълим» мавзуида семинарлар, давра суҳбатлари ўтказилди, ўзаро фикр алмашилди. Ҳар бир вилоят халқ таълими бўлимида «Вилоят халқаро таълим маркази» ташкил этилди. Марказлар дастуридан мактаб ўқувчилари ва студентларини чет эл илмгоҳларига ўқишга тайёрлаш, ўқитувчилар малакасини ошириш, уларга дастурлар етказиб бериш, мактабларга амалий ёрдам кўрсатиш ва тил бўйича турли клублар ташкил қилиш режалари жой олган.

Чунончи, америкалик мутахассис Жак Хюзинг иштирокида Тошкентда ва Самарқандда инглиз тили ўқитувчилари учун семинар ўтказилди. Семинар ўқитувчиларда жуда катта қизиқиш уйғотди ва фойдали натижалар берди. Олмониядаги Гёте институти билан яқин ҳамкорлик ҳам яхши натижалар бераётир.

Республикамизнинг чет давлатлар билан бўлаётган ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамланганлиги сайин чет тилларига бўлган эҳтиёж ҳам тобора ўсиб бораётир. Бинобарин, халқ таълими ходимларининг анъанавий август кенгашларига қуйидаги мавзуларни тавсия этади:

1. Дарсларда илғор коммуникатив усуллардан фойдаланишни кучайтириш:
а) Ўйин методига эътибор бериш;
б) Ўқув материали сифатида турли бошқотирмалар криптограммалар, колейдоскоплар, «Тил ўйинлари», нутқий ҳаракат ўйинлари, топишмоқлар ва газеталарда берилаётган мақолалардан фойдаланиш;
в) Луғат бойлигини ошириш.
2. Ўқувчиларга жаҳон стандартидаги «ТОЙФЛ», «ГРЕ», «ГМАТ» тестларидан фойдаланишни ўргатиш.
3. АҚШ, Олмония, Франция, Англия давлатлари олий ўқув юртларига жаҳон стандарти бўйича кириш йўлларини ўргатиш.
4. Чет тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш мақсадида чет эллик илғор мутахассислар иштирокида семинар ва амалий машғулотлар ўтказиш.
5. Тошкентдаги мавжуд хорижий марказларга чет тилларини ўқитиш учун ўқувчиларни жалб этиш.

ПЕДАГОГИКА ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТЛАРИДА АНЪАНАВИЙ АВГУСТ КЕНГАШЛАРИНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Мустақил Ўзбекистонимиз қисқа даврда улкан ютуқларни қўлга киритди. Юздан ортиқ давлат билан ўзаро алоқаларнинг йўлга қўйилиши халқаро майдонда мамлакатимиз нуфузининг кун сайин ошиб бораётганлигидан далолат. Юртимиз келажагини маданиятли, билимли ва ишбилармон ёшлар, мутахассислар ҳал қилади. Бундай мутахассисларни етиштиришда педагогика ўқув юртлари, малака ошириш институтларининг ҳам ўз ўрни бор.

Шу боисдан ҳам Ўзбекистон раҳбарияти Ватан мустақиллигининг дастлабки одимидан бошлабоқ халқ таълимини юксалтиришга катта эътибор қаратди. Истиқболимиз кафолати бўлмиш Бош Қонун — Ўзбекистон Конституцияси, шунингдек, «Таълим тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Бу даврда халқ таълими тизими ходимлари ҳаётида ҳам муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг узоқни кўзлаб чиқарган қатор фармонлари асосида бозор иқтисодиёти шароитида халқ таълими ходимларининг ижтимоий муҳофаза этиш тадбирлари ишлаб чиқилди ва амалда ижро этилмоқда. Эндиликда халқ таълими йўналиши ҳам туб бурилишлар сари бормоқда.

Ёшларга таълим-тарбия беришнинг янгича усуллари, педагоглар орасида илғор тажрибаларни қўллаш жадаллик билан шаклланмоқда. Янги режалар, дарслик ва дастурлар, қўлланмалар яратиш борасида ҳам муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Халқ таълимининг асосий вазифаси мустақил Ўзбекистоннинг муносиб фуқароларини тарбиялаш, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда уларга керакли даражадаги билимларни беришдир. Педагогика ўқув юртлари ва малака ошириш институт жамоаларининг бурчи, ўғил-қизларнинг касб-малакасини ошириш, ёшларни ҳар қандай муаммоларни мустақил равишда ҳал эта оладиган кишилар қилиб тарбиялаш, улар қалбида ватанпарварлик туйғусини шакллантиришдан иборат. Бу вазифаларни бажариш, ўқиш-ўқитиш, тарбия ишларини янгича тафаккур билан ташкил этишни тақозо этади. Бу масалаларга камчилик ва нуқсонларга қарши муросасиз кураш, халқ таълимини тубдан ислоҳ қилиш, уни жаҳон талаблари даражасига кўтариш орқалигина эриша оламиз. Бунинг учун ишимизни биринчи галда маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб, ўзбекона маънавий қадриятимизни, халқимиз турмуш тарзини ҳисобга олган ҳолда ташкил этишимиз лозим.

Педагогика ўқув юртлари ва малака ошириш институтларида анъанавий август кенгаши ишини юқори савияда ўтказиш учун аввало, шунга мувофиқ жойни танлаш, «Илғор тажриба манзиллари», «Методик янгиликлар», «Ёш ўқитувчиларга ёрдам» каби стендларни ташкил қилишга алоҳида эътибор бериш, кенгашда иштирок этиш учун фан намояндаларини, халқ таълими, мактаб ва мактабгача тарбия муассасалар ходимларини таклиф қилиш, кенгашни ўтказишда маърузалар, давра суҳбатлари, амалий ишлар, муаммоли изланиш ҳолатлари каби усуллардан фойдаланиш тавсия этилади.

КЕНГАШНИ ЎТКАЗИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ МАВЗУЛАР ТАВСИЯ ҚИЛИНАДИ

Маърузалар ва ахборотлар.

1. «Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунни бажариш бўйича қилинган ишлар якуни ва 1993/94 ўқув йилида педагоглар олдида турган масъулиятли вазифалар.

2. Ўзбекистон Республикасида «Узлуксиз педгагогик таълим концепцияси» лойиҳаси ҳақида ХТВ ҳайъат мажлисининг 5/сонли қарорини ишлаб чиқиш.

3. Мактабгача тарбия, умумтаълим мактаблари синфдан ташқари тарбиявий ишлар ва фанлар бўйича эълон қилинган концепцияларни ўрганиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш, иш жараёнида ундан унумли фойдаланиш масалалари.

4. Педагогика ўқув юртларида янги ўқув режалари ва дастурлар асосида олиб борилган ишларнинг йиллик якунлари.

5. Айрим мутахассислик фанларини ўқитишдаги ютуқ ва камчиликлар, муаммолар.

6. Мустақиллик кунига бағишланган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мавзусидаги дарсни ўтказиш бўйича алоҳида тавсиялар.

7. Фанларни ўқитиш ва яхшилаш тадбирлари ҳақида уюшма раисларининг ахбороти.

8. Замонавий дарсларнинг шакл ва услубларини ижодий йўлга қўйиш.

9. Ўқитувчилар малакасини ошириш жараёнида табақалаштириб ўқитишни ташкил этиш.

10. Малака оширишга жалб этилган ўқитувчилар тажрибаси кўникма ва билимни ташхис усулида аниқлаш методикаси.

11. Малака ошириш институтларида ўқитувчи, тарбиячининг олган билимини тест усулида синовдан ўтказиш.

12. Меросимиз дурдоналарини тарбия жараёнида қўллаш.

13. Ўқув юртларида, малака ошириш институтларида мустақиллигимиз мафкураси масалаларига эътиборни кучайтириш.

14. Тест синовларидан курсдан-курсга ўтказиш имтиҳонларида фойдаланиш.

15. Бўлажак ўқитувчини ижодий фикрлашга ўргатишнинг янгича шакл ва усуллари.

16. Педагогика ўқув юртлари учун тарбия жараёнига замонавий техника воситаларини татбиқ этиш.

17. Сиртқи бўлим ўқув жараёнини ташкил этиш ва такомиллаштириш усуллари.

ДАВРА СУҲБАТЛАРИНИНГ МАВЗУЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат», «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» «Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик» номли рисолалари асосида суҳбатлар.

2. Амалда қўлланилаётган фан ва дастурлар, дарсликларнинг таҳлили ва замонавий талабларга жавоб берадиган дарслик, дастурлар ҳақида фикр-мулоҳазалар.

3. Мутахассислар тайёрлашда уларнинг фикр доираларини кенгайтириш, ўтказиладиган факультатив машғулотларни ташкил қилиш ва уюштириш усуллари.

4. Узлуксиз педагогик таълим муаммолари:

5. Касб тайёргарлигигача бўлган босқичли ўқитиш тўғрисида.

6. Педагогик таълим технологияси — тажриба, амалий таклиф.

7. Малака ошириш институтларида ўқув-методика таъминотининг янги шакл ва усуллари.

8. Бўлажак мутахассисларни тайёрлашда амалиёт билан назарияни боғлаш, янги шакллар ва усулларни қўллаш.

9. Янгича шароитда ўқитувчи шахсини шакллантиришнинг айрим муаммолари, таклифлар.

10. Бўлажак мутахассисларни тайёрлашда педагогик мезонлар тўғрисида.

11. Фанлар бўйича билим, малака ва кўникмаларни диагностика усулида аниқлаш.

ПЕДАГОГИКА ЎҚУВ ЮРТЛАРИ, МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ МАКТАБ, МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ

1. Педагогика ўқув юртлари, малака ошириш институтларини мактаб, мактабгача тарбия муассасалари билан ҳамкорликда олиб борган ишлар натижалари ва келажак режалари ҳақида мактаб директори ёки мактабгача тарбия муассаса раҳбариятининг ахбороти.

2. Педагогика ўқув юртлари ўқитувчиларининг малакаларини оширишни йўлга қўйиш.

3. Индустриал-педагогика техникумларида бўлажак ишлаб чиқариш усталарини тайёрлашда хунар-техника билим юртлари билан ҳамкорликдаги ишларнинг мазмуни.

4. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунни амалиётга татбиқ этишда малака ошириш институтлари педагогларининг вазифалари.

5. Мактабларда Ўзбекистон Республикаси Давлат герби, байроғи ва мадҳиясини ўрганишда педагогик ходимлар малакасини ошириш институти методистлари, мутахассис-ўқитувчилари, олим ва зиёлиларининг фаолияти.

6. Педагог-новаторлар ҳамкорлигида ўқувчиларни ортиқча вазифалардан озод этиш, маънавий ҳамда жисмоний зўриқишнинг олдини олиш юзасидан қилинаётган ишлар мазмуни.

7. Умумтаълим мактаблари, болалар муассасалари, педагогика ўқув юртлари, малака ошириш институтлари билан амалий алоқаларни мустаҳкамлаш йўллари.

8. Мактаб ва болалар муассаларига, ҳамда ҳунар-техника билим юртларига тайёрланган мутахассис малакаси ҳақида халқ таълими бўлими ходимларининг ахбороти.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

1. Чет эл давлатларида педагогик мутахассисларни тайёрлаш иш тажрибалари.

2. Янги қабул қилинган ўқув режалари билан танишиш ва уларни қўллаш усуллари.

3. Янги ишлаб чиқилган дастурларга тақриз бериш ва улар ҳақида фикр-мулоҳазалар.

4. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида талабалар олимпиадасини ўтказиш бўйича низом ҳақидаги халқ таълими вазирлигининг 106/72 сонли буйруғига асосланган ҳолда тадбирлар белгилаш.

5. Талабаларнинг ўқув амалиётларини такомиллаштириш иш тажрибаларидан.

6. Замон талаблари асосида ўқув жараёнига ўқитишнинг янги шакл, услуб ва воситаларни татбиқ этиш.

7. Янги типдаги мактаблар ва синфлар билан ишлайдиган ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.

8. Долзарб масалаларни ёритишда педагогик нашрлар, шу жумладан, «Маърифат» газетасидан фойдаланиб, ўз иши услубида қўлланган материаллар хусусида ахборот.

Педагог ходимлар:

Касб-корнинг юксак даражасида таълим беришлари, таълим олувчилар ўқув дастурларини мажбурий ҳисобланган давлат талаблари даражасида ўзлаштиришларини таъминлашлари;

педагогларнинг ахлоқ-одоб қоидаларига риоя этишлари, бола, ўқувчи ва талаба шахсининг қадр-қимматини ҳурматлашлари, уларни меҳнат, қонунларга, ота-оналар ва хотин-қизларга, маънавий, тарихий, маданий-миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашлари;

ўзларининг бутун фаолиятлари ва шахсий намуналари билан умуминсоний ахлоқ қоидаларига: ҳақиқат, адолат, ватанпарварлик, инсонпарварлик, яхшилик ва бошқа хайрли хислатларга нисбатан ҳурматни қарор топтиришлари;

ўсиб-улғайиб келаётган авлодни бир-бирини тушуниш, халқлар ўртасида, шунингдек барча элатлар, миллатлар ва диний гуруҳлар ўртасида тинчлик, аҳил-иноқлик руҳида тарбиялашлари;

болалар ва ёшларни зўравонлик кўринишларидан ҳимоя қилишлари;

ўзларининг касб-кўникмалари ва муаллимлик маҳоратларини доимо такомиллаштириб боришлари шарт.

«Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 33-моддасидан.

ҲУНАР БИЛИМ ЮРТЛАРИ МУҲАНДИС-МУАЛЛИМ ХОДИМЛАРИ ШЎЪБАСИ

1. Ҳунар билим юртлари раҳбарлари шўъбаси.

1. Янги турдаги ҲБЮларида, ҳунар лицейларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш (лицей директорлари ва уларнинг муовинлари).

2. Турли ўқув муддатларига мўжалланган барча турдаги таълим гуруҳларига ёшларни тест синовлари асосида қабул қилиш (ҲБЮ директорлари ва уларнинг муовинлари).

3. Бозор иқтисодиёти шароитида ҲБЮ ўқувчиларининг ишлаб чиқариш таълими ва амалиётини ташкил этиш. (ҲБЮ директорларининг ўқув-ишлаб чиқариш таълими бўйича муовинлари, бош усталар).

4. Ўқувчиларни қўшма касблар бўйича ўқитиш технологияси (ҲБЮ директорлари, унинг муовинлари, бош усталар).

5. ҲБЮларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг битим услубидан фойдаланиш иш тажрибасидан (ҲБЮ директори).

6. Минтақа корхоналарининг ишчи ходимларига бўлган талабларини ўрганиш, бу талаблар асосида шартномалар тузиш ва меҳнат бозорига билим юртларида ишчи ходимлар тайёрлаш иш тажрибаларидан. (ҲБЮ директорлари ва уларнинг муовинлари).

7. Бозор иқтисодиёти шароитида ҲБЮлари битирувчиларини ишга жойлаштириш (ҲБЮ директорлари, уларнинг муовинлари ва бош усталар).

8. Ҳунар-техника таълими бўйича ўқув-ишлаб чиқариш бирлашмалари иш тажрибасидан. (ҲБЮ директорлари ва уларнинг муовинлари).

9. ҲБЮ битирувчиларининг меҳнат бозорида рақобатлашиш қобилиятларини ошириш йўллари (ҲБЮ директорлари уларнинг муовинлари ва бош усталар).

10. ҲБЮларда халқ ҳунармандчилиги касблари бўйича ёшларни тайёрлаш истиқболлари (ҲБЮ директорлари, уларнинг муовинлари ва бош усталар).

11. Ўқувчиларни халқ миллий ҳунармандчилиги касбларига ўқитишни ташкил этиш тажрибаларидан (ҲБЮ директорлари ва уларнинг муовинлари).

12. ҲБЮлар қошида кичик ва қўшма корхоналар ташкил этиш иш тажрибаларидан(ҲБЮ директорлари ва уларнинг муовинлари).

13. ҲБЮга қабул қилишда касбга мойилликни аниқлашнинг аҳамияти (ҲБЮ директорлари ва уларнинг муовинлари).

14. ҲБЮ ички назоратини ташкил этиш иш тажрибасидан) ҲБЮ директорлари ва уларнинг муовинлари).

15. Бозор иқтисодиёти шароитида ҲБЮларни компьютерлаштиришнинг аҳамияти, (ҲБЮ директорлари ва уларнинг муовинлари).

16. ҲБЮлари ўқув муассасаларининг меҳнат биржалари билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари юзасидан (ҲБЮ директорлари ва уларнинг муовинлари).

17. ҲБЮларида ишлаб чиқариш таълимини фойдали маҳсулот тайёрлаш асосида ташкил этиш (ҲБЮ директорлари, уларнинг муовинлари ва бош усталар).

18. Ўтган ўқув йили кўрсаткичларини таҳлил этиш ва янги ўқув йили учун вазифалар белгилаш (ҲБЮ директорлари ва уларнинг муовинлари).

19. Ўқувчи шахси — тарбия муаммолари (ҲБЮ директорлари ва уларнинг муовинлари).

20. Ўзбекистон Республикаси ҳунар билим юртлари фаолиятларини белгилайдиган Низом ва йўриқномаларнинг биринчи тўпламини ўрганиш (ҲБЮ директорлари ва уларнинг муовинлари).

II. ҲБЮлар махсус фан ўқитувчилари шўъбаси.

1. Махсус фанларни ўқитишнинг ноанъанавий шакл ва усуллари.

2. Замонавий дарснинг руҳий-педагогик шакллари.

3. Махсус фан дарсларини ЭҲМ асосида ўқитишнинг педагогик технологияси.

4. Ўқувчиларнинг билим, кўникма, маҳорат ва малакаларини тест синовлари асосида аниқлаш усуллари.

5. Ўқитувчиларнинг ўқув-режалаштириш ҳужжатларига қўйиладиган талаблар.

6. Янги турдаги ҳунар билим юртларида назорат таълим фанларини ўқитишни ташкил этиш.

7. Қўшма касбларга ўқитишда интеграция жараёнлари.

8. Халқ ҳунармандчилиги касбларига ўқитишда назарий таълимнинг мазмуни.

9. Битирув малака — иҳтисос имтиҳонларига тайёргарлик ишларини такомиллаштириш.

10. Махсус фанлар бўйича таълимда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро муносабат.

11. Ўқитувчиларнинг касб малакаларини ошириш усуллари.

12. Таълимни дифференциялаш.

13. Дарсларни дидактик ва кўргазмали қуроллар воситасида таъминлаш.

14. Таянч конспектларини тузиш иш тажрибасидан.

III. Ишлаб чиқариш таълими усталари шўъбаси:

1. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш таълими ва амалиётини ташкил этиш.

2. Қўшма касблар бўйича ишлаб чиқариш таълими ва амалиётини ташкил этиш.

3. Халқ ҳунармандчилиги касбларини якка тартибда ўргатиш иш тажрибасидан.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ШЎЪБАСИ

Давра суҳбатининг тахминий мавзулари

1. Педагогика ҳамкорлиги: болалар, ўқитувчи ва ота-оналар. Тарбия ва ўқитишга ноанъанавий ёндашиш.

2. Ҳозирги босқичда жисмоний тарбия муаммолари ва уларни ечиш йўллари. «Жисмоний тарбия ва спорт қонуни ҳақида».

3. «Менинг саломатлигим — республикам бойлиги» жисмоний тарбия ва меҳнатга миллий ёндашиш.

4. Жисмоний тарбия масалаларини такомиллаштиришда фаол турмуш вазиятларини шакллантириш.

Тахминий саволлар учун мавзулар

1. Болаларнинг саломатлиги, уларнинг жисмоний ўсиши ва чиниқиши — бу барчанинг биринчи навбатда ғамхўрлиги (жисмоний тарбия ва спорт ҳақидаги қонун материалларидан).

2. Ўқувчиларни тарбиялаш ва ўқитиш сифатининг юқори кўрсаткичи — ўқитувчи ижодий фаолиятида ҳал қилувчи омил.

3. Мактаб ва ҳунар-техника билим юртларининг маъмуриятлари ва ўқитувчиларнинг ўқувчиларни жисмоний тарбия ва оммавий соғломлаштириш ҳамда спорт турларига мунтазам жалб этиш юзасидан тажрибалари.

4. Ҳозирги замон жисмоний тарбия дарси кўпгина мақсадларни амалга оширади; соғлиқни мустаҳкамлаш, ҳаракат сифатларини ошириш, ташкилотчилик қобилиятларини шакллантириш, меҳнат фаолиятига тайёргарлик ва ўқувчилар шахсини тарбиялаш.

5. Фанлараро боғлиқлик.

6. Ўқувчилар фаоллик ҳаракатларини ошириш омилларидан бири бўлган моддий спорт базаларини такомиллаштириш ва улардан самарали фойдаланиш.

7. Жисмоний тарбия дарсларида ва бошқа спорт тадбирларини ташкил қилишда техник воситалардан фойдаланиш. Уларнинг аҳамияти ва роли.

8. Соғлиғи жиҳатидан тиббиёт гуруҳларига ажратилган болалар билан ишлаш.

9. Куни узайтирилган гуруҳ болалари билан жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари ўтказиш.

10. Болалар жароҳатланиши олдини олиш — барча тарбиячилар, ўқитувчилар, услубчилар, жисмоний тарбия раҳбарлари ва ишлаб чиқариш усталарининг асосий вазифасидир.

11. Ўқув-тарбиявий жараёнда халқ анъаналаридан фойдаланиш ва уларга ёндашиш тизими.

12. Техника воситаларидан жисмоний тарбия ва синфдан ташқари машғулотларни ўқитиш-ўрганиш жараёнида фойдаланиш.

(ТАВСИЯНОМАЛАР РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-МЕТОДИКА МАРКАЗИ ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН).

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ (ҲАММУАССИС), ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ЖАМИЯТИ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32. 700083, Тошкент,

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58, 52-35.

ИНДЕКС: 64595.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000040.
Буюртма Г—133. 15000 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босмага топшириш вақти 20.00. 1993 йил, 7 июль.
Босмага топширилди 20.00.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.